

ТАБИЙ ЛОЙҚА СУВЛАРНИ РЕАГЕНТЛАР ЁРДАМИДА ЗАМОНАВИЙ
КИМЁВИЙ УСУЛДА ТОЗАЛАШ

Султонов Фаррух Абдимавлонович

"Олмалик КМК" Иссиқлик электр маркази Ишлаб чиқариш булими бошлиғи

Аннотация: Ушбу тезисда табиий лойқа сувларни тозалашда асосан реагентлар ёрдамида замонавий физик-кимёвий усул қўлланилиб келинмоқда. Бу усулни қўллаш ва технологияни жорий қилиш хозирги даврнинг муҳим ва долзарб муаммолари ҳисобланади.

Калит сўзлар: гидромеханик жиҳозлар, қурилма, сув узатиш, табиий сув, реагент, панжаралар, қумтутгичлар, тиндиргичлар.

Abstract: Currently in solving the problem of providing drinking water to the population of Uzbekistan are important groundwater, which in some areas of the arid zone are the only source of water supply. However, the increasing anthropogenic pressure of economic activity chelovika cause significant, sometimes irreversible changes in their chemical composition, turning suitable for drinking water unusable. Alongside of this, despite the attention of experts and the public to the problem of ecology, there is insufficient development of hydro-geochemical principles of groundwater protection.

Keywords: hydromechanical equipment, device, water supply, natural water, reagent, nets, grinders, clarifiers.

Мамлакатимиз иктисодиёти асосларининг бозор муносабатларига асосланиши жамиятимизнинг ривожланиши, ундаги иктисодий ва ижтимоий таркибий тузилишларида кескин ўзгариш ясашига сабаб бўлди. Республикаимизнинг иктисодий ривожланишининг бозор иктисодиётида II босқичи, ишлаб чиқарилишни кичик корхоналарда, микро фирмалар ва фермер хўжалиқларида ташкиллаштириш ва уларда «эгилювчан» технологияларни жорий қилиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланган. Мамлакатимизда саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигининг ривожланиши сув истеъмолини оширади ва шунга мос ҳолда фойдаланиш жараёни учун лойқа табиий сувлар миқдори ошади, бу эса ўз навбатида атрофмуҳитга санитар экологик хавф туғдиради. Ўзбекистан Республикаси Конституциясининг 55-моддасида «Ер, ер ости бойликлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий захиралар умуммиллий бойликдир. Улардан оқилона, фойдаланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир» деб кўрсатилган. Булардан кўриниб турибдики, саноат, энергетика ва қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда ва қурилишни олиб боришда, пайдо бўладиган табиий лойқа сувларни атроф-муҳитга зарар етказмаслигини таъминлаш зарур. Бу масаланинг халқ хўжалиги ривожланишининг дастлабки босқичи долзарблиги ўз мулкларини тезроқ қупайтириш пайида бўлиб, бор имкониятларини жараённинг иқтисодий томонига сарф қилишиб, экологик ва

ижтимоий томонини иккинчи даражага суриб қуядилар. Бу қаралаётган масаланинг биринчи томони бўлса, иккинчи тамондан, ҳозирги пайтда табиий лойка сувларни тозалаш иншоотлари ривожланаётган корхонапар учун биров қимматлик қилади. Шу сабабдан, табиий лойка сувларни тозалаш ва зарарсизлантиришнинг кам харажатли, фойдаланишда қулай ихчам қурилмалар ва технологияларни яратиш ўта долзарбдир.

Мамлакатимиз иктисодиётининг бозор муносабатларига, ўтиш натижасида шаҳар ва қишлоқларда кўплаб янги корхоналар пайдо бўлмоқда. Уларнинг фаолият кўрсатиши учун маълум миқдорда сув керак бўлади, сувдан фойдаланиш натижасида сувнинг ифлосланиши, яъни табиий лойка сувлар пайдо бўлади. Бу табиий лойка сувларнинг миқдори ва таркибий сифат кўрсаткичлари турлича бўлишлиги табиийдир. Бу табиий лойка сувларнинг таркибида ҳар хил ўлчамли, органик ва ноорганик ифлослантирувчи моддалар мавжуд. Шу сабабли, бундай таркибли табиий лойка сувларни тозалаш учун ихчам, ўз-ўзини тозалай оладиган, фойдаланишда қулай ва ишлаши ишончли бўлган қурилмаларни ишлаб чиқиш мамлакатимиздаги экологик ҳолатни барқарорлаштиришда катта аҳамиятга эга бўлган долзарб муаммодир.

Ҳозирги пайтда бу усулларнинг турли хил вариантлари АКШ, Франция, Швеция, Норвегия, Финляндия, Япония, Хитой каби кўплаб мамлакатларда кенг қўламда қўлланилмоқда.

. Бизнинг мамлакатимизда табиий лойка сувларга ишлов беришни жадаллаштириш учун уларни реагентли усулларда ихчам қурилмалар ёрдамида тозалаш ўта долзарбдир. Бу жуда ката унумдорликка эга бўлмаган, тозалаш иншоотларининг ишчи ўлчамларини кескин камайтиради, натижада, ихчам ва сифатли тозалаш имкониятли иншоотлар ёрдамида мақсадга эришилади, катта капитал харажатларини талаб қилинмайди.

Ҳозирги пайтда мамлакатимизнинг жуда кўп шаҳар ва корхоналар табиий лойка сувларни тозалаш иншоотлари ўзларига юклатилган вазифани керакли даражада ёки умуман бажараолмаяпти. Кўпгина мавжуд тозалаш иншоотлари оддий сув кириб чиқувчи хавузларга айланиб қолишган. Чунки, бизнинг минтақамизда табиий лойка сувларни тўлик тозалашда узига хос жихатлари эътиборга олинмиши лозим. Маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олиб иншоотларнинг таркибий конструкцияси, жиҳозланиши ва ишлаш тартибларига маълум даражада ўзгартиришлар киритилмоғи лозим. Янги тозалаш иншоотларини қуришда эса, унинг унумдорлиги, табиий лойка сувларнинг таркиби ва сифат кўрсаткичлари, бу кўрсаткичларнинг ўзгариш механизмини ҳисобга оладиган янги технология яратиш, уни тадқиқ қилиш, лойихалаш бўйича илмий асосланган тавсиялар ишлаб чиқиш "Science and Education" Scientific Journal May 2021 / Volume 2 Issue 5 www.openscience.uz 428 тажрибалар ўтказиб, натижаларни умумлаштириш ва амалиётда қўллаш зарурати туғилди. Бу эҳтиёжни амалга оширишда табиий лойка сувларни физико-кимёвий усулда амалга ошириши ёки коагуляциялаш - хусусиятига эга бўлган маҳаллий ашёларни қўллаш,

тиндириш жараёнини интенсив амалга ошириш имкониятини берувчи курилма-юпка катламли тиндиргич ва фильтрловчи ашёларни қўллаш мақсадга мувофикдир.

Хулоса: Табiiй лойқа сувларни тозалашда ихчам тозалаш курилмалари конструкциясини яратиш ва уни турли хил табiiй лойқа сувларда синаб кўриш бугунги куннинг жуда катта долзарб масаласидир.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Сафарова М. А. Сувни тежамкорлик билан ишлатиш ва муҳофаза қилиш ишлари //Science and Education. – 2021. – Т. 2. – №. 3.
2. Махмудова Д. Э., Мусаев Ш. М. Воздействие промышленных загрязнителей на окружающую среду //Академическая публицистика. – 2020. – №. 12. – С. 76-83.
3. Хажиматова М. М., Саттаров А. Экологик таълимни ривожлантиришда инновация жараёнлари //Ме' morchilik va qurilish muammolari. – 2019. – С. 48.